O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 30 сентябрь № 205 (3480) Пайшанба

Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига

Муҳтарам устозлар!

Қадрли ўқитувчи ва мураббийлар!

Авваламбор, халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш баркамол авлодни тарбиялашдек мураккаб ва олижаноб ишга ўз ҳаётини бағишлаган сиз, азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Табиийки, устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Зотан, бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар бўлган улуғ зот бу муаллим ва мураббийлардир.

Ўзининг бор меҳри ва қалб қўрини болаларга бериш, уларнинг ҳаётига маъно бағишлаш учун ўз ором ва ҳаловатидан воз кечиб, дунёда билим ва маърифатдан қудратлироқ куч йўқ эканини йиллар, асрлар давомида исботлаб келаётган сиз, муҳтарам устозлар олдида бугун бош эгиб ҳар қанча таъзим қилсак, шаънингизга энг гўзал ташбеҳлар айтиб, самимий тилакларимизни изҳор этсак, арзийди.

Доимо эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топган, эъзозлаб келинган ўқитувчилик касби айниқса бугунги кунда янада катта масъулият ва маъно-мазмун касб этаётганини ҳозирги шиддатли замон, олдимизга янги-янги муаммоларни қўяётган ҳаётимиз мисолида яққол кўриб турибмиз.

Бир ҳақиқатни чуқур англаб, унинг ҳукмронлигини амалга оширишни ўзимизга мақсад қилиб олишимиз даркор. Бугунги notinч, ўта таҳликали, ўзаро тортишув, манфаатлар кураши авжига чиққан замонда эртанги кунимизга, дунё тан олган давлатлар қаторига чиқишимизга фақатгина билим ва маърифатга таянган ҳолда, интеллектуал салоҳиятимизни юксак даражага кўтариш ҳисобидан эришмоғимиз мумкин.

Бошқача айтганда, биз ўзимизнинг олижаноб мақсадларимизга фақат маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқур англаган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган комил инсонларни, ёш авлодни тарбиялаш орқалигина етиша оламиз.

Бутун маърифий дунё англаб етаётган ана шу ҳаётий талабни инобатга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ишларнинг самарасини янада ошириш, ўқитувчи меҳнатини муносиб қадрлаш масаласига катта эътибор қаратаётганимиздан, ўйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз яхши хабардор.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган, ўзининг дастлабки натижаларини бераётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, яқинда қабул қилинган Умумтаълим мактабларини ривожлантириш давлат дастури бизнинг бу йўлда барча имкониятларни сафарбар этаётганимиздан далолат беради.

Биз қатъият, ишонч ва эътиқод билан бошлаган бу ишларимизни албатта охирига етказамиз.

Айни пайтда нафақат бугунги кунимиз, балки келажагимизга ҳам дахлдор бўлган бу масаланинг пировард натижаси сизларнинг машаққатли меҳнатингиз, билим ва маҳоратингизга, ватанпарварлик фазилатларингизга боғлиқ эканини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз ва бу ишда аввало сизларга таянамиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ўқитувчилик, мураббийлик касбидан ҳеч қачон холи тасаввур қилолмайдиган мингминглаб фидойи инсонларни кўрамиз ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт олдида, келажак олдида қилаётган хизматларингиз учун миллионлаб шогирдларингиз номидан, бутун Ўзбекистон халқи номидан сизларга яна бир бор таҳсин ва ташаккурлар айтишга ижозат бергайсиз.

Сиз, азизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Умрингиз маърифат нуридек ёруғ ва безавол бўлсин, муҳтарам устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Улар шундай зотки...

Кечагина эди, Шаҳнозахоннинг ўзи устозлари сабоқларидан баҳраманд бўлиб, уни қайта-қайта такрорлаб, дарсликларни қўлидан қўймасди. Бу кун эса ўқиб, ўрганганларини, олган билимларини ўз ўқувчилари онгига сингдиришга интиляпти. Таълим-тарбия бериш жараёнида у ўқувчилари орасида гоҳо ўзи ҳам бола бўлиб кетганини сезмай қолади. Шунинг учун ўқувчилари ўз устозларини яхши кўришади, ҳурмат қилишади...

— Мактабимизда билим олаётган 1100 нафардан ортиқ ўқувчига элликдан зиёд ўқувчи-мураббий турли фанлардан сабоқ бермоқда,—дейди Тошкент шаҳридаги 173-мактаб директори Зулайҳо Камолова.—Жамоамиз асосан ёшлардан ташкил топган. Улар ўзларининг касб маҳорати, билими, малакаси билан ажралиб туришади. Булар орасида Шаҳнозахон Валиева ҳам бор.

...Бир кун келиб Шаҳнозахоннинг ўқувчилари ҳам ўзи каби устозлик қилишса не ажаб!

Зеро, бу кун биз ҳар биримиз ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, лоақал бир ҳарф ўргатган устознинг ҳақини юз минг ганжу хазина билан ҳам узолмасак керак. Чунки улар шундай ЗОТКИ...

СУРАТДА: бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳнозахон ВАЛИЕВА.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири.

Эътироф

Аввал шогирдларга берилди навбат,
Улар шарҳ айлади ўз илмларин.
Сўнгра жўр бўлишиб мақташди фақат,
Таълим берган устоз — муаллимларин.

Эладилар гўё бергандай ҳисоб,
Берунийдан тортиб Оқил бобони.
Тушунарли эди бундайин одоб,
Ҳамма англар эди бундан маънони.

Кекса бир мураббий сўз олиб шу тоб,
Минбарга чиқди-ку шошилмай, аста.
Ва бир шогирдини этди эътироф,
Олқишлар ёғилди унга бир пасда!

2004 йил 28 сентябрь.

«Ўзбекистон: Буюк Ипак йўлидан — халқаро ҳамкорлик сари»

Ушбу умумсарлавҳа остида Франциянинг нуфузли «Монд» газетасида туркум мақолалар эълон қилинди. Саккиз саҳифалик махсус сонда Ўзбекистоннинг Мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ва мамлакатимиз истиқболлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

«Монд» газетаси аввало республиканинг транспорт тизими имкониятларига тўхталиб, ўқувчилар диққатини юртимизнинг бой табиий заҳиралари: нефть, табиий газ, қимматбаҳо металлар конлари ва қурилиш материалларига жалб этади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси яхши ривожланган ва саноати, тармоқларга бўлинган деб таърифланади.

Газета «Имкониятлардан фойдаланиб қолинг!» — даъвати билан Франциянинг ишбилармон доираларини мамлакатимиз билан кенг ҳамкорлик қилишга чорлайди. Мақолада Ўзбекистон ҳукумати хорижий сармоядорларнинг кичик рақобатбардош корхоналарни яратишини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида таъкидланади. Ана шу мақсадда 2004 йилнинг март ойида республикада қатор рағбатлантирувчи чора-тадбирлар қабул қилинган, дея изоҳлаб ўтилган.

«Йигирма бешинчи аср жозибаси» мақоласида эса мамлакатимизнинг улкан туристик салоҳияти, унинг кўҳна маданияти ва меъморчилик обидалари ҳақида қизиқарли ва батафсил маълумот берилган. Газетхон уни ўқир экан, Ўзбекистонда бўлиш — бу нафақат минг йиллик цивилизациялар билан учрашиш имконияти, балки ўзи учун кўҳна маданият ва ўзига хос меҳмондўстликни кашф этиш эканини англаб етади. Муаллиф ўзбекистонликларнинг Францияга бўлган қизиқиши ортиб бораётганини таъкидлаб, ҳозирда француз тилини 400 мингга яқин киши ўрганаётганини, Тошкент ва Самарқандда француз маданияти марказида тил ўргатиш ўқув машғулотлари муваффаққият билан олиб борилаётганини қайд этади.

«Ўзбек бозорига уч калит» бўлими француз тадбиркорларига ўзбек ҳамкасблари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда яқиндан ёрдам беради. Республика иқтисодий майдонида мустаҳкам ўрнашишнинг энг оқилона усули «Ўзсаноатмашимпекс», «Ўзмарказимпекс», «Ўзинтеримпекс» фирмалари орқали ҳаракат қилиш эканлигини маълум қилади.

«Монд»нинг фикрича, мамлакатларимиз ўртасида узоқ муддатли мустаҳкам алоқалар ривожланмоқда. Яқинда Париж — Тошкент йўналиши бўйича «Эр Франс» компанияси томонидан йўлга қўйилган қатновлар, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган ДАГРИС гуруҳи, «Текнип» ва «Буиг» фирмаларининг фаолияти бунинг яққол далили экани таъкидланади.

Шарҳ якунида, «Монд» газетаси бюджет тақчиллигининг қисқариши, хусусий тармоқни ривожлантириш, солиқ сиёсатини оқилона ташкил этиш, инфраструктурани замонавийлаштириш мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга олиб келганлигини таъкидлайди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, айниқса, халқаро операциялар бўйича сўмнинг эркин алмаштирилишининг йўлга қўйилиши, француз ишбилармонлари кўз ўнгида мамлакатга бўлган қизиқишни оширди, деб якунлайди газета.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш йўлида жонкуярлик фазилатларини кўрсатгани ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Абдуллаев Рамазон Бобомуродович — Бойсун туманидаги 53-мактаб директори, Сурхондарё вилояти

Ирисбеков Ортиқбой — Гулистон туманидаги «Умидли ёшлар» ихтисослашган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Каримов Тўлқин Солиевич — Бағдод туманидаги 22-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қаҳҳорова Раъногон — Ҳазорасп туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Нуруллаев Алексей Файзуллаевич — Жондор туманидаги 2-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Раманова Ҳуржан Қодировна — Беруний туманидаги 66-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Хунохунова Муқаддам Жўраевна — Оққўрғон туманидаги 49-ихтисослашган мактабнинг кимё ва биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Юнусова Лутфи Асадовна — Юнусобод туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Қорабоев Абдимўмин — Янгиобод туманидаги 2-мактабнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Жумақулов Рўзимаҳмат — Музработ тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси, Сурхондарё вилояти

Каримов Раҳимбек — Учқўприк туманидаги 1-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қутлиев Эркин Очилович — Шофиркон туманидаги 6-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Маҳмаев Яраш — Ургут туманидаги 12-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мирзаахмедов Турғунаҳмад — Балиқчи тумани халқ таълими бўлимининг ўқув-услубиёт хонаси мудири, Андижон вилояти

Нигмонов Бурҳон — Сирғали тиббиёт коллежининг умумтаълим фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Тўлаганова Муҳайё Мирусмоновна — Янгийўл туманидаги 3-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Чўлиев Шоймардон — Миришкор туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Яҳъёева Маҳбуба — Гулистон шаҳридаги 9-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Одилов Омон — Булунғур туманидаги 25-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ашуров Абдували Усмонович — Шўрчи туманидаги 122-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати директори, Сурхондарё вилояти

Зелинская Галина Александровна — Мирзо Улуғбек туманидаги 208-мактабнинг иқтисод фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Иноғомова Раъно — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицейнинг умумтаълим фани ўқитувчиси

(Давоми 2-бетда).

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Бир неча йилдирки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. 29 сентябрь куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ана шу умумхалқ байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг ардоқли ўқитувчилари, ёш муаллимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Истиқлол йилларида юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш жамиятимизнинг устувор вазифасига айланган. Мамлакатимизнинг бугуни ва келажагини кўп жиҳатдан комил, соғлом, фидойи, Ватанга садоқатли ёшлар белгилайдилар. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, бутун дунёда таълимнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Ёш авлодга замонавий билим бериш билан бирга, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ўз тарихи, аждодларимизнинг бой мероси ва анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш лозим. Бу борада ўқитувчиларнинг хизмати катта. Зеро, шарафли касб эгалари бўлмиш устозлар машаққатли меҳнати, ҳаётий тажрибаси, беқиёс меҳри билан ёш авлода илм-фан сирларини ўргатмоқдалар, улар қалбида Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат туйғуларини камол топтиришда ибрат ва намуна бўлаётирлар.

(Давоми 2-бетда).

Бугун Тошкентда бадиий гимнастика бўйича "Шарқ гўзали" жаҳон кубоги босқичи бошланади.

Энг нафис ва жозибадор спорт

Кеча пойтахтимиздаги "Шератон" меҳмонхонасининг конференция залида ана шу тадбирга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Таъкидландики, юртимизда кўплаб спорт турлари қатори бадиий гимнастикани ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спортнинг энг нафис тури ҳисобланган бадиий гимнастика келажак давомчилари бўлган қизларимизнинг соғлом, баркамол, жисмонан етук бўлиб вояга етишида, уларни болаликдан соғлом турмуш тарзига жалб қилишда, бу орқали соғлом авлод тарбиясини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Айни пайтда бадиий гимнастика билан шуғулланаётган ҳамюртларимиз сони икки ярим мингдан ошиб кетди. Умидли, иқтидорли гимнастикачиларимиз нафақат мамлакатимиз, балки жаҳоннинг бошқа давлатларида ташкил этилаётган йирик халқаро турнирлар, чемпионатларда ҳам ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Бу ёшлар Ўзбекистонда бадиий гимнастика сир-асрорларини ўрганиб, жаҳон спорти юлдузларига айланган Алина Кабаева, Венера Зарипова, Елена Холодова сингари

(Давоми 2-бетда).

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ).

Халқаро бизнес-марказда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Словакия ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг қатор вазирлик, ташкилот ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон — Словакия муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда.

Ҳозир мамлакатимизда Словакия сармояси иштирокида ташкил этилган олти қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон — Словакия алоқаларини янги босқичга кўтаришда икки мамлакат давлат раҳбарларининг ташаббуси билан тузилган ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилишлари муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон билан Словакия ўртасида саноат, савдо, фан-техника, банк ва молия соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Камолиддинов Махсум Қиёмиддинович — Тошкент туманидаги 14-мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Қосимов Турғун — Дўстлик туманидаги 8-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Рсимбетов Жамғирниёз Сабирович — Қорақўзак туманидаги 10-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Хван Людмила Михаиловна — Хонобод шаҳридаги 1-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Шагиаҳмедов Хусаин Ғофурович — Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи услубчиси, Наманган вилояти

Эралиев Хўрозбой Эргашевич — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицей директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Абдуллаев Алишер Расулович — Андижон Олимпия захиралари коллежининг бокс бўйича мураббийси

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, ларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш борасидаги фидокорона хизматлари билан халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Алламуротов Қулмўмин Хушалиевич — Жарқўрғон туманидаги 30-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ашуров Тўрақул Қурбонович — Пешку туманидаги 15-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Қораев Улаш Холбоевич — Ғузор туманидаги 18-мактаб директори, Қашқадарё вилояти

Мамадиёров Худойқул Шакарович — Хатирчи туманидаги 6-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Маматхонов Алижон — Олтинкўл туманидаги 12-ихтисослашган мактаб-интернат директори, Андижон вилояти

Маҳмудов Мўйдинжон — Поп туманидаги 57-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Морозова Александра Яковлевна — Чилонзор туманидаги 188-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Норметов Миллавой Жумабоевич — Бўстонлиқ туманидаги 44-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Орзиев Қурбонали — Ёзёвон туманидаги 3-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Примов Қувондиқ — Пахтакор туманидаги 1-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Рўзметов Эркин — Боғот туманидаги 1-мактаб директори, Хоразм вилояти

Султонова Раъно Бобожоновна — Элликқалъа туманидаги 28-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ўроқова Олия — Каттақўрғон туманидаги 2-мактаб директори, Самарқанд вилояти

Холбоев Равшан — Боёвут туманидаги 8-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Абдуқодирова Зулайҳо Ҳамроевна — Кегейли қурилиш касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ёвбосаров Ўктам — Қўшкўпир туманидаги 17-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Нурматов Ҳамидилло — Мингбулоқ туманидаги 24-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Рўзиев Аҳролжон Аҳмедович — Ўзбекистон спорт курашлари Ассоциациясининг фахрий президенти, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти профессори

Санаев Зиёдулла Файзиевич — Нарпай туманидаги 52-мактаб директори, Самарқанд вилояти

Тиллаев Юнусали Жўраевич — Бувайда туманидаги 26-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ҳотамова Умида Жўраевна — Пскент туманидаги 79-махсус ёрдамчи мактаб-интернатнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Шатрова Людмила Вячеславовна — Миробод туманидаги 32-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячи-услубчиси, Тошкент шаҳри

Эшматов Тоғаймурод Султонович — Китоб туманидаги 32-мактаб директори, Қашқадарё вилояти

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Акрамхўжаева Муҳайё Камоловна — А.Икромов туманидаги 14-мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Аллаева Аноржон Нарзуллаевна — Ховос туманидаги 9-мактаб директорининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

Жуманиёзов Рўзмат — Янгиариқ туманидаги 22-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Назарова Мақсуда Отаёровна — Пастдарғом туманидаги 77-ихтисослашган иқтидорли болалар мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Отичев Сергей Иванович — Самарқанд шаҳридаги Ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейининг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Пардаева Гуласар — Учқудуқ туманидаги 7-мактаб директорининг ўринбосари, Навоий вилояти

Пўлатов Азим Отажонович — Бешариқ туманидаги 30-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Рамазонов Камол Жумаевич — Бухоро туманидаги 10-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Раҳматов Абдулҳамид Бувабоевич — Чортоқ туманидаги ихтисослашган мактаб-интернат директори, Наманган вилояти

Хайрулов Бердибой — Арнасой туманидаги 5-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Худойбердиев Шароф Босимович — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси

Шукуров Абдусаттор Абдуҳамидович — Узун туманидаги 3-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Эргашев Неъматжон — Бўз туманидаги 22-гимназия-интернатнинг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Эшчанова Хушрўй Сафарбоевна — Амударё туманидаги 46-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ёш авлодни маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук қилиб камол топтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фаолияти ва халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Ашуров Абдураҳмон Рўзибоевич — Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси, Тошкент вилояти

Бобоева Машорой — Қарши туманидаги 14-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Боқиева Холбиби Норбобоевна — Ширин шаҳридаги 3-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Биктяков Равиль Сергеевич — Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Олтинтоғ» ўқув-машғулот базасининг юнонрум кураши бўйича мураббийси

Жабборов Жавҳар Эшонкулович — Самарқанд туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

Қосимова Жўрахон Турсуновна — Ҳамза туманидаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мирзаалиев Азизжон Хусанович — Марғилон шаҳридаги 29-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Раҳимова Дилдора Жўраевна — Кармана туманидаги «Бойчечак» номли мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси, Навоий вилояти

Тойирова Марзия Шариповна — Ромитан туманидаги 26-махсус мактаб-интернатнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Усипжонов Орипжон — Шаҳрихон туманидаги 3-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ҳамроқулова Умур Орзиқуловна — Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Қурбонова Ойбиби — Хива туманидаги 7-мактабгача таълим муассасаси мудираси, Хоразм вилояти

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни Ватанимизнинг муносиб фуқаролари, ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида фидойилик намунасини кўрсатгани ҳамда жамиятимизда миллатлараро дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишига қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Абдураимова Мунисхон — Жалолқудуқ туманидаги 33-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Акрамова Тамара Мўминовна — Яккабоғ туманидаги 33-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Беликова Тамара Ивановна — Бўка туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Бондарчук Вячеслав Евстафьевич — Наманган шаҳридаги 49-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

Гафурова Любовь Дмитриевна — Шовот туманидаги 7-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Голева Галина Федоровна — Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг бош мутахассиси

Долматова Светлана Викторовна — Сариосиё туманидаги 5-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Жалимбетова Айтгуль Шагирбаевна — Тахиатош шаҳридаги 1-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Зайнитдинова Гульнара Каримовна — Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Кетебаева Бибиайша — Нукус шаҳридаги 34-мактаб директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Қодиров Икромали Кўчқоралиевич — Сўх туманидаги 24-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мадаев Омонулла Аҳмедович — Тошкент ислом университети қошидаги академик лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Михайлов Константин Викторович — Ўзбекистон спорт курашлари Ассоциациясининг Бош котиби

Султонова Маҳбуба Исломовна — Оқдарё туманидаги 2-мактабнинг француз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Тошпўлов Очил Элибоевич — Фориш туманидаги 33-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ткаченко Лидия Федоровна — Қоровулбозор туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Фозилова Раъно Тўлагановна — Чиноз туманидаги 40-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Чибисов Анатолий Константинович — Республика рассомлик билим юрти ўқитувчиси

Шукуруллаева Озода — Самарқанд шаҳридаги 126-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси

Эгамбердиева Шаҳодат Раимовна — Косон туманидаги 65-мактаб директорининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Юферова Надежда Гавриловна — Зарафшон шаҳар саноат касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

Ёш авлодни мустақиллик ғояси, миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўқув жараёнига янги ахборот технологиялари ва илғор педагогик тажрибаларни кенг жорий этиш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Абдазимова Ҳамида Абдуллаевна — Зангиота туманидаги 4-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Тошкент вилояти

Абдивоҳидова Умриниса Тожалиевна — Риштон туманидаги 33-мактабнинг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Абдуллаева Убайда — Чимбой туманидаги 41-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Абдураҳимова Ҳалимахон Хусанбоевна — Косонсой туманидаги 45-кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактабининг ўқитувчиси, Наманган вилояти

Абдураҳмонова Юлдуз Тошпўлатовна — Қўқон шаҳридаги 35-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Азимов Раҳимбой — Хонқа туманидаги 35-мактабнинг ҳуқуқшунослик ва иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Алибеков Мурод Собирович — Қуйи Чирчиқ туманидаги 55-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Алламуратова Саруанкан — Кўнғирот туманидаги 50-лицей-интернатнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Амонжулова Феруза Элавбоевна — Гурлан туманидаги 33-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Анорова Маърифат Умаралиевна — Данғара туманидаги 33-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Аҳмедова Одина Ҳотамовна — Андижон давлат университети қошидаги Асака академик лицейининг умумтаълим фани ўқитувчиси

Ашуров Неъмат Абдужабборович — Пайариқ туманидаги 62-мактабнинг физика ва информатика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ашурова Манзура Мамажоновна — Учқўрғон туманидаги 42-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Бозорова Дилором Маматқуловна — Жомбой туманидаги 23-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Баҳриддинов Абдиқодир — Иштихон туманидаги 44-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Бобоев Фозилжон Абланазарович — Асака туманидаги 42-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ғойбиева Муборак Ҳувайтовна — Қарши шаҳридаги 2-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Гулиев Некмурод — Ғиждувон туманидаги 57-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ғозиев Асадулла Маҳамматович — Сардоба туманидаги 6-мактаб директорининг ўринбосари, Сирдарё вилояти

Долимова Жўрахон Турсуновна — Норин туманидаги 43-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Дошжонова Бахтигул Абиловна — Конимех туманидаги 4-мактабнинг рус тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Дуйсенова Бибиайм — Хўжайли туманидаги 29-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Дўсматова Муборак Ўктамовна — Бекобод туманидаги 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Жуманазаров Йўлдош Кенжаевич — Қамаши туманидаги 42-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Жўраева Шаҳар Чўтбоевна — Шеробод туманидаги 17-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Зиёдуллаева Малоҳат Эгамбердиевна — Бахмал туманидаги 5-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Искендирова Замзегуль Зикирияевна — Томди туманидаги 6-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Исмаилова Гулистон — Қонликўл туманидаги 7-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Йўлдошев Шавкат Исматович — Вобкент туманидаги 18-мактаб директори, Бухоро вилояти

Конарбаев Узакберген — Нукус тумани халқ таълими бўлими мониторинг марказининг бош мутахассиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримов Мўминжон — Марҳамат туманидаги 31-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Кулмедова Венера Хаитбаевна — Урганч шаҳридаги 20-мактабгача таълим муассасаси услубчиси, Хоразм вилояти

Курбонова Саноатхон Собировна — Бектемир туманидаги 289-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Курбонова Улашой Бозоровна — Шаҳрисабз туманидаги 3-ихтисослашган мактаб-интернатнинг биология фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Курдошов Саликул Аширович — Қўшработ туманидаги 22-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Маматмуродов Азамат Караматович — Олтинсой туманидаги 17-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Мўминова Жамила Собировна — Тошлоқ туманидаги 1-иқтидорли болалар гимназиясининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мустаева Розия Ҳакимовна — Сайҳунобод туманидаги 37-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Мустафоқулова Ҳулкар Аҳмедовна — Жиззах туманидаги 28-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Муҳамедов Мирзобек — Қизилтепа туманидаги 10-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Назаров Бердиали Юнусович — Галлаорол тумани халқ таълими бўлимининг ўқув-услубиёт хонаси мудири, Жиззах вилояти

Никольская Людмила Сергеевна — Навоий шаҳридаги 18-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Номозов Шуҳрат Жўраевич — Касби туманидаги 26-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Пўлатова Сара Мамажоновна — Мирзаобод туманидаги 13-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Ракушина Ольга Евгеньевна — Фарғона шаҳар 1-болалар санъат мактабининг ўқитувчи-концертмейстери

Раҳимов Алижон Абдулвосидович — Избоскан туманидаги 11-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси, Андижон вилояти

Реймбергенова Гулара — Шуманай туманидаги 16-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Собирова Шаҳзода Қодировна — Хўжаобод туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Сабуров Жумабой — В.А.Успенский номидаги Республика мусиқа академик лицейининг ўқитувчиси

Сайфуллоева Саодат Атоевна — Тойлоқ туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Самандарова Татьяна Борисовна — Яккасарой туманидаги 358-мактабгача таълим муассасаси тарбиячи-услубчиси, Тошкент шаҳри

Соатов Неъматилло Худойбердиевич — Деҳқонобод туманидаги 19-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Тошназаров Иброҳим Саъдуллаевич — Оқолтин туманидаги 12-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Турдиева Маҳфират Маҳкамовна — Олмалиқ шаҳридаги 22-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Тўқлиев Фахриддин Сиддиқович — Олот туманидаги 16-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ҳалимова Гулчеҳра Икромовна — Когон туманидаги иқтидорли болалар мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ҳабибуллаева Мавлуда Ғиёсовна — Зомин туманидаги 8-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Жиззах вилояти

Ҳакимова Шарофатой Неъматуллаевна — Шайхонтоҳур туманидаги 320-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ҳамроева Мойира Отаевна — Бухоро енгил саноат касб-ҳунар коллежининг касбий таълим фани ўқитувчиси

Холиқова Одинахон Носировна — Қува туманидаги 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Холмирзаев Бахтиёр Шомирзаевич — Қибрай туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Тошкент вилояти

Холова Хонимжон Жумакуловна — Қорақўл туманидаги 22-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ҳошимова Ўғилой Мадаминовна — Янгиқўрғон туманидаги 31-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Шоҳобидинова София Маматқуловна — Чуст тумани халқ таълими бўлими мониторинг марказининг раҳбари, Наманган вилояти

Шорустамова Дилбархон Сотиволдиевна — Оҳангарон шаҳридаги 2-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Эсонова Мукаррам Эшонқуловна — Пахтачи туманидаги 27-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Йўлдошев Бозор Тошанович — Ангор қишлоқ ва ўрмончилик касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Қодиров Аминжон — Нурота туманидаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати директори, Навоий вилояти

Қоракулова Бибиражаб — Қумқўрғон туманидаги 2-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Курбонов Жовли Эрматович — Нишон туманидаги 24-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Кутлимуродова Робия Йўлдошевна — Янгибозор туманидаги 14-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 28 сентябрь.

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати муносиб тақдирланиб келмоқда. Президентимизнинг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида"ги қарори бунинг яна бир далилидир.

Юртбошимиз Фармонига биноан 2004-2009 йиллар давомида юзлаб янги мактаблар қурилиши, минглаб мактаблар таъмирланиши кўзда тутилган ва бу эзгу иш аллақачон бошлаб юборилган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов устозларни муборак байрами билан қутлади.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-ўрта мактаб директори Анорхон Маҳмудова мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини изчил юксалтириш, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ардоқлаш борасида кўрсатаётган доимий ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Тантанали кечада таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдодлар ижросида катта байрам концерти намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Халилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.



СУРАТДА: байрам тантанасидан лавҳа.
Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.

Энг нафис ва жозибадор спорт

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳамюртларимизнинг муносиб ворисларидир.

Ҳозирги кунда бадиий гимнастикани янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини яратиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятларида жаҳон андозаларига мос қурилган бадиий гимнастика заллари ишлаб турибди. Қолган вилоятларда ҳам ана шундай махсус заллар қурилиши бошлаб юборилган.

Халқаро бадиий гимнастика федерацияси юртимизда спортни, жумладан, бадиий гимнастикани ривожлантириш, уни янада оммалаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни юқори баҳолаб, 2004 йилдаги жаҳон кубогини Тошкентда ўтказишга қарор қилгани эътиборга моликдир. Дунёнинг 15 га яқин мамлакатидан кучли спортчилар иштирок этиши кутилаётган мусобақалар жаҳонда тан олинган қоидалар асосида ўтказилади. Унинг дастурига кўпкураш ва алоҳида турлар бўйича бажариладиган машқлар киритилган. Кўпкураш беллашувларида спортчилар битта мажбурий ва учта ихтиёрий дастур бўйича чиқиш қилади. Шунингдек, дастурга тўп, лента, ҳалқа ва булава билан бажариладиган машқлар ҳам киритилган. Чиқишлар ҳакамлар томонидан 10 баллик тизимда баҳолаб борилади.

Матбуот анжуманида Халқаро гимнастика федерацияси техник қўмита раиси Эгле Абруццини, техник қўмита аъзолари Ирина Винер, Мария Шишковская, Халқаро гимнастика федерацияси бош котиби муовини Андре Гисбухлер ҳамда жаҳон ва олимпиада чемпиони Алина Кабаева журналистларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, мусобақа ташкилий қўмитаси ҳамраиси С.Иномова ва Миллий олимпия қўмитаси президенти Р.Қурбонов иштирок этди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
ҚАРОРИ

Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш якунларига биноан амалга киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ равишда сайланган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) янги Вакил сайлангунига қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 август.

8

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон
Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида

(янги таҳрири)

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2004 йил

Қирқиш чизиғи

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Вакил номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин бу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига қонунда белгиланган тартибда юборилади.

Вакил ўзининг ваколатлари муддати тугагач, янги Вакил сайлангунига қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

4-модда. Вакил лавозимига номзодга қўйиладиган талаблар

Сайланиш куни йигирма беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Вакил лавозимига сайланиши мумкин.

5-модда. Вакил ўринбосари

Вакилнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан сайланадиган ўринбосари бўлади.

Вакил ўз лавозимидан муддатидан илгари озод қилинган тақдирда, Вакил ўринбосари унинг вазифасини янги Вакил сайлангунига қадар бажариб туради ва Вакил учун белгиланган кафолатлар ана шу даврда унга нисбатан татбиқ этилади.

6-модда. Вакил фаолиятининг асосий принциплари

Вакил фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошкоралик, ҳар бир инсон учун очиқликдир.

7-модда. Вакилнинг ҳисоботи

Вакилнинг ҳисоботи қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида эшитилади.

Вакилнинг йиллик ҳисоботи белгиланган тартибда эълон қилинади.

Вакил инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг йиллик маърузаларини тайёрлашда иштирок этади.

8-модда. Вакил лавозимига номувофиқ бўлган фаолият

Вакил сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни ўз ваколатлари муддатига тўхтатиб туриши ёхуд тугатиши шарт. Вакил илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

9-модда. Вакилни лавозимидан муддатидан илгари озод қилиш

Вакил лавозимдан қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан муддатидан илгари озод қилиниши мумкин:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ариза берган тақдирда;

унинг соғлиғи ҳолати барқарор тарзда бузилган ва бу тиббиёт муассасаси томонидан берилган гувоҳнома билан тасдиқланган тақдирда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

у қонунга кўра Вакил фаолиятига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда.

10-модда. Вакил томонидан шикоятларни кўриб чиқиш

Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузаётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва у ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Вакил учинчи шахсларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян бир киши ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун, башарти уларнинг бунга розилиги бўлса, қабул қилади.

Вакил суднинг ваколат доирасига кирадиган масалаларни кўриб чиқмайди.

11-модда. Вакил томонидан шикоятларни кўриб чиқиш шартлари

Вакил арз қилувчига ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан ёки арз қилувчи, агар у ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қаноатланмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган охирги қарордан хабар топган пайтдан эътиборан бир йил давомида берилган шикоятларни кўриб чиқади.

12-модда. Шикоятларнинг мазмуни

Вакилга берилган шикоятда арз қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилотнинг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган, арз қилувчининг фикрича, унинг ҳуқуқларини бузган ҳаракатларнинг ёки ҳаракатсизликнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Шикоятга арз қилувчининг талабларини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа далиллар илова қилинади.

Вакилга берилган шикоят учун давлат божи ундирилмайди.

13-модда. Вакилнинг ҳуқуқлари

Вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шикоятни кўриб чиқиш;

арз қилувчи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шаклларни кўрсатиш;

шикоятни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юбориш;

арз қилувчини унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништириш;

сабабини албатта кўрсатган ҳолда шикоятни кўриб чиқишни рад этиш;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни кўриш.

14-модда. Вакилнинг шикоятларни кўриб чиқиш чоғидаги ҳуқуқлари

Вакил шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга муро-

5

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

КУЗГИ ЧАҚИРУВ НАМУНАЛИ ЎТАДИ

Қарор ва ижро

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ).

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 сентябрь куни "Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида" қабул қилган қарори ижросига бағишланган ушбу тадбир Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил қилинди.

Анжуманда мудофаа вазири ўринбосари, полковник М.Аҳмедов, вазирлик чақирув ва резервдагиларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Б.Мирзамуҳамедов ва бошқалар ҳукуматимизнинг номи зикр этилган қароридан келиб чиқадиган вазифалар ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар хусусида батафсил сўз юритишди.

Ҳукуматимиз қарорига мувофиқ 1977-1986 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Куролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олиниши қайд этилди.

Анжуманда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаган фуқароларни яшаш жойига тантанали равишда кузатиб қўйиш ва кутиб олиш ҳамда Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқароларни қўшинларга кузатиб қўйишни ташкил этишни таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини намунали уюштириш лозим.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

шахсий компьютерлар, матрицали ва лазерли принтерлар учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар хариди бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чиққан кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида қабул қилинади. Аризага компания(фирма)нинг улгуржи товар етказиб бера олишини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши шарт.

Мулоқотда бўлувчи шахс: Митрошин Олег Александрович.
Телефонлар: 137-59-35 (ички: 22 - 16), факс: 135-20-90.
E-mail: oleg@central.nbu.com
www.nbu.com

Газетанинг 28 сентябрь сонида чоп этилган Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказининг эълонидаги Косонсой тумани, «Намуна» ширкат хўжалигидаги педагогика йўналишидаги 600 ўринли касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуришнинг якунлаш муддати 12 ой, деб ўқилсин.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

GSM UZDUNROBITA first cellular

Соат сайин биз янги марраларни эгаллаяпмиз



Ҳар дақиқа сайин Сизда кўпроқ имкониятлар яралмоқда

ДОИМИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ҚЎШИЛИНГ!

NEW!

"Уздунробита GSM" тармоғининг навбатдаги кенгайиши!
Энг янги GSM тармоғи Самарқанд вилоятининг Зиёвуддин шаҳрида ва Бухоро вилоятининг Жондор шаҳрида ишга тушди.

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензиялаштирилган

ПОЛЬША МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ
ПОЛЬСКАЯ НАЦИОНАЛЬНАЯ ВЫСТАВКА

ЭТО ПОЛЬША

г. Ташкент, 5-8 октября 2004 года
УЗЭКСПОЦЕНТР, ул. Амира Темура, 107.



Патронат имеют: Министерство экономики и труда Республики Польша
Партнер: УЗЭК, Узэкспоцентр
Организатор: TERAZ POLSKA, Фонд «ЭТО ПОЛЬША»

Время работы выставки
5.10.2004 г. – с 11.00 до 17.00.
6-7.10.2004 г. – с 10.00 до 17.00.
8.10.2004 г. – с 10.00 до 17.00.

жаат қилиш;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларни таклиф этиш. Текширишни ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят берилган ташкилотга ёхуд мансабдор шахсга топшириш мумкин эмас;

ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш;

ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш;

мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш;

аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар ва мутахассисларга хулосалар тайёрлашни топшириш;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан ўтказилаётган текширишларда иштирок этиш;

ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахс билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш;

ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини текшираётганда маълум бўлиб қолган, арз қилувчининг ва бошқа шахсларнинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар уларнинг розилигисиз ошкор қилиниши мумкин эмас.

15-модда. Вакилнинг фаолиятига кўмаклашиш

Мансабдор шахслар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигига тааллуқли, Вакил сўраган ҳужжатлар, материаллар ҳамда бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Вакил ўз фаолиятига доир масалалар бўйича давлат органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади.

Фаолияти давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлар билан боғлиқ ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга Вакилнинг кириши тартиби, шунингдек давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни Вакилга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вакилнинг вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

16-модда. Вакилнинг шикоятни текшириш натижаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари

Вакил шикоятни текшириш натижаларига биноан:

арз қилувчига кўриб чиқиш натижаларини маълум қилиши;

ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланган ташкилот ёки мансабдор шахсга бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан тавсиялар бўлган ўз хулосасини юбориши шарт. Бунда Вакилнинг хулосасини олган ташкилот ёки мансабдор шахс уни кўриб чиқиши ва бир ойдан кечиктирмай асослантирилган жавоб юбориши шарт.

17-модда. Вакилнинг хулосаси

Вакилнинг хулосасида қуйидаги тавсиялар назарда тутилиши мумкин:

иш ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан охирига етказилиши зарурлиги;

ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши кераклиги;

ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори асосланиши зарурлиги;

ташкилот ёки мансабдор шахс қўшимча қарор қабул қилиши лозимлиги.

Вакилнинг хулосасида бошқа тавсиялар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Вакилнинг дахлсизлик ҳуқуқи

Вакил дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Вакилга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Вакилни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

19-модда. Вакил томонидан шикоятлар кўриб чиқилаётганда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кафолатлари

Вакилга шикоят берган шахс, шунингдек Вакил томонидан ахборот тўплаш ва уни таҳлил этиш ёки эксперт баҳоси бериш топширилган шахслар бундай ҳаракат учун таъқиб қилиниши ёки ҳуқуқлари бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.

20-модда. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия

Вакилнинг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш юзасидан унинг фаолиятига кўмаклашиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари томонидан Вакил раислигида Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тузилади.

Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган Регламентга амал қилади.

Вакил Комиссия аъзосини ўз вакили этиб тайинлаши мумкин.

21-модда. Вакилнинг Котибияти ҳамда Вакил фаолиятининг моддий-техника таъминоти

Вакилнинг фаолиятини таъминлаш учун Котибият тузилиши мумкин, мазкур Котибият ҳақидаги низом Вакил томонидан тасдиқланади. Вакилнинг Котибияти юридик шахс ҳисобланади.

Вакилнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз муҳри бўлади.

Вакилнинг фаолиятини моддий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

22-модда. Вакил тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Вакил тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Бўклаш чизиғи — Қирқиш чизиғи — Бўклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида

(янги таҳрири)

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ҳуқуқларини, мажбуриятларини, фаолиятининг асосий йўналишлари ва кафолатларини белгилайди.

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) (бундан буён матнда Вакил деб юритилади) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар (бундан буён матнда ташкилотлар ва мансабдор шахслар деб юритилади) томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Вакил Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

2-модда. Вакил фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига амал қилади.

Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобдордир.

3-модда. Вакилни сайлаш

Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

Вакил лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг Вакилни сайлаш тўғрисидаги қарори палаталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси

3

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

«Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган **«Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №4–5, 102-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 август.

2

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи

«Сичуанлик меҳрибон»

Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри қатор спектаклари билан ўз мухлисларини хурсанд қилиб келаётган жамоалардан саналади. Қувонарлиси, бугунги кунда бу жамоа томошаларидан дунёнинг кўплаб давлатлари баҳраманд бўлмоқда. Жумладан, Германия, Миср ва қатор Осиё мамалакатларида театр ижодий сафарда бўлиб, "Икки мўъжиза", "Дала сайли", "Боз масхарабоз", "Турна патлари" каби спектакллари орқали ўз санъатларини муваффақиятли намойиш этиб келдилар.

— Кейинги йилларда, — дейди театрнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов, — дунё театр шинавандаларини ўзбек санъаткорлари ижоди билан таништириш ва шу билан бирга юртдошларимизни жаҳон классиклари асарларига ошно қилиш ишимизнинг асосий мазмунига айланган. Бугунги намойиш этилаётган спектакль ҳам ана шу мақсад йўлидаги уринишларимиз биридир. Улуғ немис режиссёри ва драматурги Бертолт Брехт қаламига мансуб "Сичуанлик меҳрибон" спектакли жаҳоннинг кўплаб театрларида муваффақиятли намойиш этилган. Асарнинг қурилиши мураккаб, яъни томоша театр қолипларига мос келмайдиган, янги бир усулда қурилган. Воқеалар жуда жадал кечади.

Премьера

Асар уч фариштанинг сайёрамизга тушиши, "Ер юзида яхшиларга ўрин қолмади" деган ақиданинг ёлғон эканлигини исботлаш учун изланишга киришишлари билан бошланади. Воқеалар ривожида, фаришталар яхшиларни топиш у ёқда турсин, ҳатто бир кеча тунашга ҳам жой топишолмайди. Ҳафсалалари пир бўлиб турганда улар мешкопчига рўбарў бўлишади. Мешкопчи Ван фаришталарга жой топиб бериш учун не-не остоналарга бош урмайди, аммо натижа чиқаролмайди. Бутун бошли шаҳарда фақат биргина Ше Де исмли қиз уларга бошпана беришга рози бўлади. Фаришталар яхшилар, меҳрибонлар борлигига минг бора шукурлар қилишади. Аммо бу яхшилар, бу меҳрибонларни ҳаётнинг мураккаб синовларидан асраб қолиш, уларнинг ортидан эргашувчиларни кўпайтириш катта машаққат талаб қилишини тушуниб етадилар.

Премьера театр ижодкорлари учун байрам ҳисобланади. Чунки йиллаб, ойлаб қилинган меҳнатнинг маҳсули ана шу куни тарозига қўйилади: томошабин унга ўзининг муносиб баҳосини беради. Мазкур спектакль намойишидан сўнг гулдирос қарсаклар янгради, саҳна гулларга бурканди. Демак, жамоани муваффақиятли саҳналаштирилган янги бир асар билан қутлаш мумкин.

Саид АНВАР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истеъдодли мусаввир

Асакалик ёш мўйқалам устаси Неъматулла Маъруповнинг номини бугун нафақат андижонлик, балки хорижлик рассомлар ҳам яхши билишади. Айниқса, устоз-санъаткорларнинг Неъматулладан умидлари катта.

Эндигина ўн тўрт баҳорни қаршилаган Неъматулла Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган "Мафтункор ранглар дунёси" мавзуидаги халқаро танловда ғолиб чиқди. Айни пайтда ёш мусаввир изланишда.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари

Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида мамлакатимизда давом этаётган Япония маданияти кунлари доирасида япон миллий либослари ва рақс санъати тарихига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

ТАБИАТГА ЭҲТИРОМ ТИМСОЛИ

Тадбир Бадиий академия ҳамда Республика Байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Япония миллий рақс санъати ҳақида атрофлича маълумот берилди. Асрлар мобайнида шаклланган кунчиқар юрт миллий рақс санъати ўзига хос анъаналарга эга эканлиги таъкидланди.

Тадбирда японялик рақкоса Фудзима Сэйюми томонидан "Турна рақси" намойиш этилди. Турна японлар учун поклик, гўзаллик ва абадийлик тимсоли саналади. Рақсда бутун она табиатга эҳтиром ўз ифодасини топган.

Анжуманда япон миллий либослари намуналари намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси илмий-техника тараққиётининг устуворликлари доирасида Давлат грантлари асосидаги қисқа муддатга мўлжалланган давлат илмий-техника дастурларини шакллантириш ва республикада инновация фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида бажарилиши 2005-2006 йилларга мўлжалланган инновация лойиҳалари ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Грантлар билан, биринчи навбатда, инновацион йўналтирилган, илмий-тадқиқот натижаларини иқтисодиёт тармоқларида ўзлаштиришга қаратилган, нобюджет ёки кредит манбаларига эга бўлган лойиҳалар қўллаб-қувватланади.

Инновация лойиҳалари энергия ва ресурларнинг тежалишини таъминлашга, саноатда илғор технологияларни жорий қилишга, маҳаллий хомашёдан рақобатбардош илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Танловга тегишли бўлган зарур маълумотлар билан Фан ва технологиялар марказида, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги фан ва техника марказларида ёки марказнинг қуйидаги интернет-сайтида танишиш мумкин: ***ftm.uz.***

Лойиҳалар фан ва технологиялар марказида эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида, шанба ва якшанба кунларидан ташқари, ҳар куни соат 14.00дан 17.00гача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

700000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 62-уй (мўлжал метронинг "Минор" бекати).

Маълумотлар учун телефонлар:
Тошкентда – 135-6134, 137-6276, Андижонда – 250831,
Бухорода – 38263, Наманганда – 340763,
Нукусда – 229-2707, Самарқандда – 374233,
Термизда – 35370, Фарғонада – 245602, Қаршида – 211719.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

UzbekLeasing International AO

Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлари ва ишбилармонлари диққатига!

«Ўзбек Лизинг Интернейшнл А.О.»

ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ

2002 йилда Словакияда чиқарилган, қуввати суткасига 3 тонна бўлган, қуйида келтирилаётган жиҳозлардан иборат бўлган гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг сотилишини маълум қилади:

1. Саноат гўштмайдалагичи РМ-160;
2. Кутер 120 литр К-120;
3. Майдаловчи-гомогенизатор М-1200;
4. Қийма аралаштирувчи УМ-160;
5. Вакуумли шнекли шприц ВНУ-159;
6. Ярим автомат клипсатор;
7. Ташлаб берувчи кўтарма ускуна УС-250;
8. Универсал термокамера КВУ-2 ЕРС;
9. Дудлаш камераси араваси UB-710;
10. Дудлаш камераси араваси таёқлари;
11. Қўл билан тузлаш мосламаси РИС-1.3;
12. Манипуляция араваси МВ-220;
13. Иш столи 2400х900х900 мм;
14. Поршенли шприц PN-30;
15. Муз генератори;
16. Пишириш қозони, 400 литр;
17. Вакуумли гўшт юмшатгич ММ-700;
18. Музлатгич камера 4150х3150х2475 мм.



Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилиш мумкин:
(8 371) 139-16-54, 132-61-73, 132-62-94, 144-64-44, 144-64-46.
Факс:(8 371) 120-67-29.

Манзил:Ўзбекистон Республикаси, 700003, Тошкент ш., Туроб Тўла к.,1.
Халқаро банк ва молия маркази, 4 қават.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига ! Товар сертификатланган

«ГАЗ-31105»

«ВАЗ-2106»

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН АВТОМОБИЛЛАР КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ

«ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

«ГАЗ-3102»

«ГАЗЕЛЬ»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти бошқарма бошлиғи Дилбар Баратовага волидаи муҳтарамаси

МАРИАМ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биокимё институти жамоаси директор муовини Фазлиддин Патхитдиновга онаси

ХАЙРИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Ўзбекистон» телеканали «Маънавият» студиясининг бўлим бошлиғи Нормурод Норқобиловга онаси

Ҳанифа ая ОМОНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси кадрлар бўлими катта инспектори Д. Ҳакимовага волидаи муҳтарамаси

МОҲИРА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А–2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Муқимов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.10 23456